

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони. 2019 йил 23 октябрь. // <https://lex.uz/docs/4567334>.
2. Худойбердиев С., Ашуров Б., Тоғаев О. Эконометрика асослари фанидан маъруза матни. – Самарқанд, СамИСи, 2019 й.
3. Алимов Р.Х., Болтаева Л.Р., Ишназаров А.И. Эконометрика-2. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012. – 115 б.
4. Habibullayev I., Jumayev A. Ekonometrika. Amaliy mashg'ulot uchun o'quv qo'llanma. – Т.: «Iqtisod-moliya» nashriyoti, 2019. – 173 bet.
5. Xodiyev B.Yu., Shodiyev T.Sh., Berkinov B.B. Ekonometrika. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisodiyot, 2018. – 178 b.
6. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти.
7. [www. // http:// iqtisodiyot. tsue.uz /sites/ default/ files/ maqolalar/ 20 Abdullayeva Akhmedov.pdf](http://www.iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/20_Abdullayeva_Akhmedov.pdf) маълумотлари



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИДА САНОАТНИНГ РОЛИ: ТАҲЛИЛ, ПРОГНОЗ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Касимов Азамат Абдукаримович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси
доценти в.б., PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a65

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодий ўсишида саноат тармоғининг аҳамияти очиб берилган. Бунда мамлакат ҳудудлари бўйича саноат маҳсулотлари ҳажми динамик ўзгаришлари таҳлил қилиниб, ҳудудларнинг тармоқлар бўйича ихтисослашуви баҳоланган. Ялпи ички маҳсулотга иқтисодиёт тармоқларининг қўшилган қийматлари таъсири эконометрик моделлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз амалга оширилиб, юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ЯИМ, саноат, таҳлил, прогноз, модель, иқтисодий ўсиш.

РОЛЬ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РОСТЕ УЗБЕКИСТАНА: АНАЛИЗ, ПРОГНОЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Касимов Азамат Абдукаримович -
Ташкентский государственный экономический университет,
доцент и.ф. кафедры сетевой экономики, PhD

Аннотация. В данной статье раскрывается значение промышленного сектора в экономическом росте нашей страны. Проанализировано динамическое изменение объема промышленной продукции в регионах страны и оценена специализация регионов по отраслям. Влияние добавленной стоимости отраслей экономики на валовой внутренний продукт проанализировано на основе эконометрических моделей. Также был сделан прогноз по основным экономическим показателям и разработаны научные предложения по обеспечению высокого экономического роста.

Ключевые слова: ВВП, промышленность, анализ, прогноз, модель, экономический рост.

THE ROLE OF INDUSTRY IN THE ECONOMIC GROWTH OF UZBEKISTAN: ANALYSIS, FORECAST AND DEVELOPMENT PROSPECTS

Kasimov Azamat Abdugarimovich -
Tashkent State University of Economics,
Dotsent p.f. of Network Economy Department, PhD

Annotation. This article reveals the importance of the industrial sector in the economic growth of our country. Dynamic changes in the volume of industrial products in the regions of the country were analyzed and the specialization of regions in sectors was evaluated. The influence of the added values of economic sectors on the gross domestic product was analyzed based on econometric models. Also, a forecast was made on the main economic indicators, and scientific proposals were developed to ensure high economic growth.

Keywords: GDP, industry, analysis, forecast, model, economic growth.

Кириш. Ўтган даврда Хитой Халқ Республикасининг Ухань шаҳридан бошланиб, дунёнинг барча мамлакатларига тарқалган глобал пандемияси нафақат Хитой иқтисодиётига, бал-

ки глобал иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатиб, ривожланган мамлакатларнинг ЯИМда камайиш кузатилишига олиб келди. Жумладан, 2020 йилда Америка мамлакатларидан АҚШда

3,4 фоиз, Канадада 5,2 фоиз, Европа мамлакатларидан Буюк Британияда 9,4 фоиз, Германияда 4,6 фоиз, Францияда 7,9 фоиз, Италияда 8,9 фоиз, Польшада 2,5 фоиз, Россияда 2,9 фоиз, Осиё мамлакатларидан Японияда 4,6 фоиз, Кореяда 0,9 фоиз ҳамда Ҳиндистонда 7,3 фоиз, Саудия Арабистонида 4,1 фоиз, кўшни давлатлардан Қозоғистонда 2,5 фоиз, Қирғизистонда 8,6 фоиз ва Афғонистонда 2,3 фоизга ЯИМда камайиш кузатилди. Аммо Хитойда 2,3 фоиз, Туркияда 1,8 фоиз, Эронда 3,4 фоиз, Тожикистонда 4,5 фоиз ва Ўзбекистонда 1,7 фоиз ЯИМ ўсишига эришилган [12].

Мамлакатимизда глобал пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида 2021 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати 7,4 фоизни ташкил этиб, сўнги ўн йилликдаги рекорд натижани қайд этди.

Албатта, барқарор ва юқори даражада иқтисодий ўсишга эришишда мамлакатда иқтисодий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони [1] ана шундай иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур стратегиянинг устувор йўналиши “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”га бағишланган бўлиб, унга кўра иқтисодиётда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали кейинги беш йил ичида мамлакат жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 1,6 баробарга етказиш, шунингдек, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириш орқали саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатда юқори ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда саноат тармоғининг аҳамияти ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Чунки саноат тармоғида нафақат қўшилган қиймат яратилади, балки юқори қийматли ёки юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу эса мамлакатда нафақат бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига, балки илм-фан ривожига ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Айнан шу боис ҳам ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг юқори ўсиши, иқтисодий мустақил-

ликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда саноат тармоқларининг роли дунё иқтисодчи олимларининг тадқиқотлари марказидан жой олган. Жумладан:

Conrado Diego García-Gómez, Ender Demir, José María Díez-Esteban, Boris Popesko фикрича, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши давлатнинг олиб бораётган иқтисодий сиёсати, хусусан, саноат сиёсати ва тармоққа киритилаётган инвестиция ҳамда улардан самарали фойдаланиш ҳолатига боғлиқ [2].

Hermas Abudu, Xiangyu Cai, Boqiang Lin фикрича, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ёқилғи билан таъминлашда нефть саноати муҳим аҳамиятга эга, шунингдек, ўз-ўзидан мамлакатда иқтисодий ўсиш ва ривожланишга асосий таъсир қилувчи тармоқ саноатдир [3].

Табиий ресурсларнинг иқтисодий ўсишга таъсири катта, яъни табиий ресурслар қанчалик кўп бўлса, улардан самарали фойдаланиш юқори иқтисодий ўсиш гаровидир. Табиий ресурслардан фойдаланиш эса саноат асосида амалга оширилади [4].

Умуман, саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади. Саноат соҳасида қазиб олинган, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади [5].

Бундан ташқари саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштирокининг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди [6].

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишида, энг аввало, янгидан-янги замонавий саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши таъсирида мамлакат иқтисодий салоҳияти сезиларли даражада ортиб боради [7], яратилган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат турлари кўпайиб, сифати тубдан яхшиланиб боради, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда расмий статистик маълумотлар, статистик кузатиш, таққослама таҳлил, синтез, мантиқий фикрлаш статистик жадвал ва графиклардан, шунингдек, статистик ва солиш-

тирма таҳлил усулларида фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари олинган.

Таҳлил ва натижалар. 2021 йилда мамлакатимизнинг жами sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқаришида юқори улуш Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Жумладан, Тошкент шаҳрида 86099,6 млрд. сўм sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами sanoat маҳсулотларининг 19,1 фоизини ташкил этади. Тошкент вилоятида эса 83202,4 млрд. сўм sanoat маҳсулотлари иш-

лаб чиқарилган бўлиб, бу жами sanoat маҳсулотларининг 18,4 фоизи, Навоий вилоятида 73631,1 млрд. сўм sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами sanoat маҳсулотларининг 16,3 фоизини ташкил этган. Шунингдек, жами sanoat маҳсулотларининг қолган 8,0 фоизи Андижон, 6,2 фоизи Фарғона, 5,0 фоизи Самарқанд, 4,6 фоизи Бухоро, 4,1 фоизи Қашқадарё, 3,7 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, 3,2 фоизи Наманган, 3,0 фоизи Хоразм, 2,2 фоизи Сирдарё, 1,9 фоизи Жиззах ва 1,5 фоизи Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (1-жадвал).

1-жадвал

2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича sanoat маҳсулотлари ҳажми динамикаси [11], млрд. сўмда

№	Ҳудудлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4265,7	6773,3	10911,9	12736,1	13981,3	16621,3
2.	Андижон	7965,7	13269,8	27454,7	33122,3	36376,5	35916,2
3.	Бухоро	5569,6	6422,3	8601,2	14798,2	17574,4	20826,9
4.	Жиззах	2001,2	2548,8	3581,8	4586,1	5823,8	8704,1
5.	Қашқадарё	9632,2	7351,2	9992,0	12562,6	14612,3	18741,1
6.	Навоий	10657,9	13072,9	22892,4	44438,1	65084,9	73631,1
7.	Наманган	3475,7	4615,5	6586,6	8818,1	11011,9	14584,8
8.	Самарқанд	7446,0	9242,0	13488,1	15783,6	18383,4	22803,3
9.	Сурхондарё	2200,7	2356,4	3234,7	4231,3	5322,7	6785,9
10.	Сирдарё	3522,3	3806,5	5163,1	7293,0	7990,9	9765,5
11.	Тошкент	16864,7	21693,4	37724,4	53484,8	65949,9	83202,4
12.	Фарғона	8040,7	9728,5	13613,8	18661,2	21701,2	27805,3
13.	Хоразм	2802,7	4070,4	6457,2	8538,6	9 615,9	13648,5
14.	Тошкент шаҳри	23511,9	34054,2	47811,6	60544,9	66188,0	86099,6

1-жадвал маълумотлари асосида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, 2016-2021 йиллар мобайнида sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг йиллик ўртача ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикасида 115,3 фоизни ва унинг жами sanoat маҳсулотларидаги ўртача йиллик улуши 4,1 фоизни ташкил этган бўлса, мос равишда Андижонда 107,8 ва 9,3 фоиз, Бухорода 102,6 ва 4,5 фоиз, Жиззахда 112,2 ва 1,7 фоиз, Қашқадарёда 103,9 ва 6,1 фоиз, Навоийда 103,5 ва 12,6 фоиз, Наманганда 113,0 ва 3,0 фоиз, Самарқандда 107,4 ва 5,6 фоиз, Сурхондарёда 105,9 ва 1,5 фоиз, Сирдарёда 105,1 ва 2,4 фоиз, Тошкентда 108,1 ва 16,4 фоиз, Фарғонада 103,0 ва 6,2 фоиз, Хоразмда 108,2 ва 2,7 фоиз ҳамда Тошкент шаҳрида 108,9 ва 18,9 фоизни ташкил этган. Яъни энг юқори ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Наманган, Жиззах, Хоразм, Тошкент ва Андижон вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (1-расм).

Бундан кўринадики, sanoat республиканинг ҳудудлари бўйича ҳар хил ривожланишга эга. Шу боис мамлакатимиз вилоятларининг иқтисодий тармоқларига ихтисослашувини баҳолаш учун “ихтисослашув коэффициенти”дан фойдаланиш лозим. Ихтисослашув коэффициенти қуйидагича ҳисобланади [8].

$$\alpha_{ij} = \frac{\beta_{ij}}{\beta_j} \div \frac{\beta_i}{\beta} \quad (1)$$

бу ерда: α_{ij} – j -ҳудуднинг i -тармоқ бўйича ихтисослашув коэффициенти, β_{ij} – j -ҳудуддаги i -тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми, β_i – i -тармоқ жами ишлаб чиқариш ҳажми, β_j – j -ҳудуд жами ишлаб чиқариш ҳажми (ЯҲМ), β – жами ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИМ).

Агар $\alpha_{ij} > 1$ бўлса, у ҳолда j -ҳудуднинг i -тармоқ бўйича ихтисослашуви жами ишлаб чиқаришда мазкур тармоқнинг ўртача улушидан ортиқлигини кўрсатади.

Таҳлилларга кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича Жиззах (2,1), Сурхондарё (1,9), Бухоро (1,8), Самарқанд (1,8), Хоразм (1,8), Андижон (1,7), Қашқадарё (1,6), Наманган (1,5), Сирдарё (1,5) ва Фарғона (1,4) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг (1,1) ихтисослашув коэффициенти $\alpha_{ij} > 1$ эканлиги, яъни мазкур тармоқнинг жами ишлаб чиқаришдаги ўртача улушидан ортиқлигини кўрсатади.



1-расм. 2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўртача ўсиш суръати ва унинг жами саноат маҳсулотларидаги улуши, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, шу даврда саноат (қурилишни қўшган ҳолда) бўйича эса Навоий (2,0), Тошкент (1,6) ва Андижон (1,3) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (1,1) ихтисослашув коэффициенти $\alpha_{ij} > 1$ эканлиги, яъни мазкур тармоқнинг жами ишлаб чиқаришдаги ўртача улушидан ортиқлигини кўрсатди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, 2016-2021 йиллар бўйича ўртача ҳисобда ихтисослашув коэффициенти нисбатан 2021 йил бўйича ихтисослашув коэффициенти

Бухоро, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 0,1 бирликка ошган бўлса, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ўзгаришсиз қолган. Аммо Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида 0,1 ҳамда Андижон вилоятида 0,2 бирликка пасайганлиги кузатилди. Худди шундай хизматлар соҳаси бўйича юқори ихтисослашув коэффициенти фақатгини Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган.

2-жадвал

Ҳудудлар, тармоқлар бўйича ихтисослашув коэффициенти

Ҳудудлар	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги		Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)		Хизматлар соҳаси	
	2022 й. (α_{ij})	2016-2022 йй. ($\bar{\alpha}_{ij}$)	2022 й. (α_{ij})	2016-2022 йй. ($\bar{\alpha}_{ij}$)	2022 й. (α_{ij})	2016-2022 йй. ($\bar{\alpha}_{ij}$)
Қорақалпоғистон Республикаси	1,1	1,0	1,0	1,1	0,8	0,8
Андижон	1,7	1,7	1,3	1,5	0,9	0,9
Бухоро	1,8	1,7	0,9	0,8	0,9	0,8
Жиззах	2,1	2,1	0,6	0,5	0,7	0,7
Қашқадарё	1,6	1,5	0,7	0,7	0,8	0,8
Навоий	0,6	0,7	2,0	2,0	0,3	0,4
Наманган	1,5	1,5	0,7	0,6	0,9	0,9
Самарқанд	1,8	1,8	0,7	0,7	0,9	0,9
Сурхондарё	1,9	1,8	0,4	0,3	0,9	0,9
Сирдарё	1,5	1,5	1,0	1,1	0,7	0,7
Тошкент	0,9	0,9	1,6	1,6	0,7	0,7
Фарғона	1,4	1,4	1,0	0,9	1,0	1,0
Хоразм	1,8	1,7	0,8	0,7	0,8	0,8
Тошкент ш.	0,0	0,0	1,1	1,2	2,2	2,2

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Изоҳ: (α_{ij}) – 2021 йил бўйича ихтисослашув коэффициенти, ($\bar{\alpha}_{ij}$) – 2016-2021 йиллар бўйича ўртача ҳисобда ихтисослашув коэффициенти.

Жаҳондаги глобаллашув шароитида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кўпайтиришга эришиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [9], жумладан, саноатнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий-математик, эконометрик, статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасини моделлаштириш ва ўсиш (камайиш) тенденция-

ларини реал прогнозлаш ҳамда моддий харажатларни қисқартиришнинг оптимал вариантларини топиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шу боис ЯИМ(GDP)га таъсир кўрсатувчи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (AFF), саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (ИИ), хизматлар соҳаси (SS), асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (FCI), иш билан банд аҳоли (EP), корхона ва ташкилотлар сони(EO)нинг миқдорий боғлиқлигини кўп омилли регрессия модели асосида таҳлил қилиш мумкин.

Регрессия моделини қуйидагича ифода-лаш мумкин.

$$GDP = \alpha_0 + \alpha_1 AFF + \alpha_2 ИИ + \alpha_3 SS + \alpha_4 FCI + \alpha_5 EP + \alpha_6 EO + \varepsilon \quad (2)$$

бу ерда: $\alpha_0, \alpha_1, \alpha_2, \alpha_3, \alpha_4, \alpha_5, \alpha_6$ – моделнинг номаълум параметрлари,

ε – тасодифий хатолик.

Бунинг учун юқорида келтирилган натижавий омил ва унга боғлиқ омиллар бўйича ўтган даврдаги кўрсаткич маълумотларидан фой-

даланиб, моделга киритилаётган омиллар ўртасидаги корреляцион таҳлил асосида баҳолаб олинади (3-жадвал).

3-жадвал

Жуфт корреляция матрицаси

	<i>GDP</i>	<i>AFF</i>	<i>ИИ</i>	<i>SS</i>	<i>FCI</i>	<i>EP</i>	<i>EO</i>
<i>GDP</i>	1	0,997095	0,995389	0,999167	0,987341	0,774754	0,976585
<i>AFF</i>	0,997095	1	0,985435	0,997308	0,973144	0,811169	0,962413
<i>ИИ</i>	0,995389	0,985435	1	0,993481	0,996386	0,716967	0,9889
<i>SS</i>	0,999167	0,997308	0,993481	1	0,983539	0,784277	0,977091
<i>FCI</i>	0,987341	0,973144	0,996386	0,983539	1	0,695351	0,982922
<i>EP</i>	0,774754	0,811169	0,716967	0,784277	0,695351	1	0,64392
<i>EO</i>	0,976585	0,962413	0,9889	0,977091	0,982922	0,64392	1

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, моделга киритилган боғлиқ ва мустақил ўзга-

рувчилар ўртасида зич боғлиқлик мавжуд, яъни: $r_{yx} \geq 0,7$.

$$GDP = 202599,84 + 1,687AFF + 0,503ИИ + 1,311SS + 0,322FCI - 13,320EP - 0,264EO$$

$$(R^2 = 0,99, F = 22584,03, S = 1934,204, t_{\alpha_0} = 0,94287, t_{\alpha_1} = 4,33282, t_{\alpha_2} = 0,509, t_{\alpha_3} = 1,0969,$$

$$t_{\alpha_4} = 1,02057, t_{\alpha_5} = -0,7914, t_{\alpha_6} = -1,45808)$$

Тузилган моделнинг детерминация коэффициенти жуда юқори, стандарт хатолиги катта ва стьюдент мезони бўйича модель параметрлари статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлигини кўрсатди.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболли кўрсаткичлари ҳисобланган ЯИМ (GDP), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (AFF), саноат (қурилишни қўш-

ган ҳолда) (ИИ), хизматлар соҳаси (SS), асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (FCI) ҳамда иш билан банд аҳоли (EP) сони каби кўрсаткичларнинг ўрта муддатли прогноз қийматларини ишлаб чиқишда вақт омили билан боғлиқ бўлган чизиқли, парабола, экспоненциал, даражали ва логарифмик тренд моделлари асосида ишлаб чиқиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ва унга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар[11], млрд. сўмда

Йиллар	ЯИМ ҳажми	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)нинг ялпи қўшилган қиймати	Хизматларнинг ялпи қўшилган қиймати	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	Иш билан банд аҳоли, минг киши	Корхона ва ташкилотлар сони, бирлик
2010	78936,6	21251,3	16757,9	31463,8	16463,7	1628,4	227560,0
2011	103232,6	30658,6	20417,3	40529,1	19500,0	11919,1	231256,0
2012	127590,2	36954,7	26064,1	50254,7	24455,3	12223,8	235421,0
2013	153311,3	42636,8	32646,9	62099,2	30490,1	2523,3	241201,0
2014	186829,5	53613,2	41234,9	73600,9	37646,2	12818,4	246687,0
2015	221350,9	64680,3	49849,2	86674,5	44810,4	13058,3	257758,0
2016	255421,9	74779,0	58545,9	99665,5	51232,0	13298,4	268428,0
2017	17476,4	90983,9	74799,0	116901,5	72155,2	13520,3	285531,0
2018	424728,7	113660,7	117905,0	147587,2	124231,3	13273,1	323517,0
2019	529391,4	130306,9	166698,6	187123,2	195927,3	13541,1	398133,0
2020	602193,0	151279,6	190736,4	215815,5	210195,1	13236,4	475197,0
2021	734587,7	183518,5	235408,9	262496,3	244962,6	13538,9	528929,0

$$y = a_0 + a_1t + \varepsilon \tag{3}$$

$$y = a_0 + a_1t + a_2t^2 + \varepsilon \tag{4}$$

$$y = a_0e^{a_1t} + \varepsilon \tag{5}$$

$$y = a_0t^{a_1} + \varepsilon \tag{6}$$

$$y = a_0 + a_1 \ln(t) + \varepsilon \tag{7}$$

бу ерда: y – кутилаётган прогноз кўрсаткич, t – вақт омили, ε – натурал логарифм асоси бўлиб, 2,718 га тенг, a_0, a_1, a_2 – моделнинг номаълум параметрлари, ε – тасодифий хатолик.

Прогноз учун ушбу моделлардан мосини танлаш ва тузилган моделни ҳамда унинг параметрларини баҳолаш мезонлари бўйича баҳолаб олиш лозим.

ЯИМ (GDP) ҳажми бўйича прогнозни ишлаб чиқиш учун чизиқли тренд модели танлаб олинди ва тузилди:

$$GDP = 141835,7 + 95846,9t$$

Тузилган ушбу модель баҳолаш мезонлари бўйича баҳоланди, яъни аппроксимация хатолиги $\bar{A} = 3,24\%$ ($\bar{A} < 10\%$), детерминация коэффициенти $R^2 = 0,992$, стандарт хатолиги $S_{GDP} = 17888,2485$, t -статистика мезони бўйича $t_{a_0} = 22,416$ ва $t_{a_1} = 8,517$ ($t_{jadval} = 3,495$), фишер мезони бўйича $F = 502,41$ ($F_{jadval} = 7,71$) ҳамда

дарбин-уотсон мезони бўйича $DW = 2,5$ ($1,5 < DW < 2,5$)ни ташкил этиб, модель ижобий баҳоланди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (AFF)нинг ЯИМга ялпи қўшилган қиймати бўйича прогнозни ишлаб чиқиш учун чизиқли тренд модели танлаб олинди ва тузилди:

$$AFF = 49965,02 + 21178,023t$$

($\bar{A} = 2,73\%$, $R^2 = 0,987$, $S_{AFF} = 4927,6832$, $t_{a_0} = 17,979$, $t_{a_1} = 10,892$ ($t_{jadval} = 3,495$), $F = 323,2387$ ($F_{jadval} = 7,71$), $DW = 1,8$ ($1,5 < DW < 2,5$)) модель ижобий баҳоланди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (ИС)нинг ЯИМга ялпи қўшилган қиймати бўйича прогнозни ишлаб чиқиш учун чизиқли тренд модели танлаб олинди ва тузилди:

$$ИС = 12590,22 + 36597,737t$$

($\bar{A} = 7,17\%$, $R^2 = 0,986$, $S_{ИС} = 8969,2668$, $t_{a_0} = 17,069$, $t_{a_1} = 3,546$ ($t_{jadval} = 3,495$), $F = 291,362$ ($F_{jadval} = 7,71$), $DW = 2,5$ ($1,5 < DW < 2,5$)) модель ижобий баҳоланди.

Хизматлар соҳаси(SS)нинг ЯИМга ялпи қиш учун чизиқли тренд модели танлаб олинди қўшилган қиймати бўйича прогнозни ишлаб чиқиш учун чизиқли тренд модели танлаб олинди ва тузилди:

$$SS = 56555 + 32869,486t \quad (\bar{A} = 4,36\%, R^2 = 0,985, S_{SS} = 8575,7824, t_{a_0} = 16,034, t_{a_1} = 7,084 (t_{jadval} = 3,495), F = 257,0848 (F_{jadval} = 7,71), DW = 1,7 (1,5 < DW < 2,5)),$$

модель ижобий баҳоланди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (FCI) ҳажми бўйича прогнозни ишлаб чиқиш учун чизиқли тренд модели танлаб олинди ва тузилди:

$$FCI = 4337,047 + 41556,249t$$

$$(\bar{A} = 8,81\%, R^2 = 0,968, S_{FCI} = 15876,1408, t_{a_0} = 10,949, t_{a_1} = 3,593 (t_{jadval} = 3,495), F = 119,9 (F_{jadval} = 7,71), DW = 2,2 (1,5 < DW < 2,5))$$

модель ижобий баҳоланди.

Иш билан банд аҳоли (EP) сони бўйича модели танлаб олинди ва тузилди: прогнозни ишлаб чиқиш учун парабола тренд

$$EP = 13368,32 - 3,945t + 3,089t^2$$

$$(\bar{A} = 0,92\%, R^2 = 30,054, S_{EP} = 183,5102, t_{a_0} = 40,723, t_{a_1} = 4,224, t_{a_2} = 4,356 (t_{jadval} = 4,177), F = 11,086 (F_{jadval} = 9,55), DW = 2,5 (1,5 < DW < 2,5))$$

модель ижобий баҳоланди.

Юқоридаги моделлар асосида мазкур кўрсаткичлар учун ўрта муддатли (2023-2027 йиллар) прогноз қийматлари ишлаб чиқилди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ва унга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичларнинг прогноз қийматлари, млрд. сўмда

№	Кўрсаткичлар	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.	2027 й.
1.	ЯИМ ҳажми	908610,9	1004457,8	1100304,7	1196151,6	1291998,5
2.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати	219389,2	240567,2	261745,3	282923,3	304101,3
3.	Саноат(қурилишни қўшган ҳолда)нинг ялпи қўшилган қиймати	305372,1	341969,9	378567,6	415165,3	451763,1
4.	Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати	319510,9	352380,4	385249,9	418119,3	450988,8
5.	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	336787,0	378343,3	419899,5	461455,8	503012,0
6.	Иш билан банд аҳоли сони, минг киши	13534,5	13583,0	13637,8	13698,7	13765,8

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Прогноз натижаларига кўра, 2027 йилга бориб, мамлакатимизда ЯИМ ҳажми 1291998,5 млрд. сўмни ташкил этиши ёки 2021 йилга нисбатан қарийб 1,8 бараварга ортиши мумкин. Шунингдек, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯИМга ялпи қўшилган қиймати 304101,3 млрд. сўмга етиши ёки 1,7 бараварга ортиши, саноат (қурилишни қўшган ҳолда)нинг ЯИМга ялпи қўшилган қиймати 451763,1 млрд. сўмга етиши ёки 1,9 бараварга ортиши, хизматлар соҳасининг ЯИМга ялпи қўшилган қиймати 450988,8 млрд. сўмга етиши ёки 1,7 бараварга

ортиши, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 503012,0 млрд. сўмга етиши ёки 2,1 бараварга ортиши ҳамда иш билан банд аҳоли сони 13765,8 минг кишига етиши ёки 1,02 бараварга кўпайиши мумкин.

Албатта, бундай прогноз натижаларга эришиш учун бугунги кунда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш, етакчи тармоқларга, хусусан, саноатнинг ривожланишига янада кенг имкониятлар бериш, ривожланиши сушт бўлган тармоқ-

ларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимиз иқтисодиётини, хусусан, саноатини барқарор ривожлантириш бўйича истиқболдаги стратегияларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- саноат тармоқларида рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва ходисаларнинг таъсирини иқтисодий-математик усуллар орқали миқдорий баҳолаш асносида илмий ёндашувга асосланган ҳолда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

- тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицион жозибadorликни ошириш ва чет эл инвестрларига қўшимча иш ўринларини кўпайтириш келишуви билан уларга янада кенг имконият ва эркинликлар бериш;

- кенг тармоқли саноат кластерлари фаолиятини ривожлантириш, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, кластер ва давлат хариди тизимини ташкил этиш ва шу орқали аҳолининг бандлиги ҳамда даромадини ошириш;

- саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш учун иқтисодиётнинг реал секториди фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш талаб этилади. Шу боисдан бизнес билан доимий мулоқот, муайян секторларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни аниқлаш ва

уларни бартараф этиш бўйича самарали чораларни кучайтириш;

- келгусида мамлакат саноат ишлаб чиқариш қувватлари ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган энг истиқболли тармоқларга йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегиясини такомиллаштириш ва самарали амалга ошириш лозим.

Айтиш керакки, мамлакатимиз ЯИМнинг шаклланишида юқори улушга эга бўлган саноатни ва тармоқдаги инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини амалий қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириш, экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий-молиявий эркинликларни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини қатъий таъминлаш, шунингдек, инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда институционал таъсирларни ва натижадорликка эътиборни кучайтириш лозим.

Шунингдек, ҳар бир тадбиркорлик субъектининг муаммосини ҳал қилишда индивидуал ёндашув асосида тезкор ва самарали ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакатнинг инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Натижада иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда ҳар томонлама тежамкор замонавий технологик ютуқларни ўзлаштириш имкони яратилади, пировардида юқори суръатларда иқтисодий ўсишга эришиш ва янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилашга олиб келади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz>
2. Conrado Diego García-Gómez, Ender Demir, José María Díez-Esteban, Boris Popesko. Investment inefficiency in the hospitality industry: The role of economic policy uncertainty. // *Journal of Hospitality and Tourism Management*. Volume 54, March 2023, pages 383-391. <https://doi.org/10.1016/j.jhtm.2023.01.006>
3. Hermas Abudu, Xiangyu Cai, Boqiang Lin. How upstream petroleum industry affects economic growth and development in petroleum producing-countries: Evidence from Ghana. // *Energy*. Volume 260, 1 December 2022, 125139. <https://doi.org/10.1016/j.energy.2022.125139>
4. Zhonghua Cheng, Lianshui Li, Jun Liu. Natural resource abundance, resource industry dependence and economic green growth in China. // *Resources Policy*. Volume 68, October 2020, 101734. <https://doi.org/10.1016/j.resourpol.2020.101734>
5. Мамаджонов Д.Г. Ўзбекистонда саноат тармоғи ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 3-сон, май-июнь, 2018 йил. 1-12-б.
6. Файзуллаев Х. Барқарор иқтисодий ўсиш: иқтисодиётнинг агросаноат тармоғини эркинлаштиришда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масалалари. *Архив научных исследований*, 2 (1). Извлечено от: journal.tsue.uz
7. Махмудов Н., Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўналишлари. // *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*. 2016. № 3. С. 1-7.
8. Regnerova O. The Importance of Industry in Modern Economies of the Globalized World in the 21st Century / *Globalization and its Socio-Economic Consequences 2020. SHS Web of Conferences* 92, 04021 (2021). <https://doi.org/10.1051/shsconf/20219204021>
9. Qosimov A.A. Analysis of state development programs (on the example of Surkhandarya Region). // *Theoretical & Applied Science*. 2019. № 11. С. 115-120.
10. <https://worldbank.org>
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. <https://stat.uz/>
12. World Bank data. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG?view=map>